



ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган

2002 йил 20 апрель, шанба

№31 (11.419)

Эркин нархда сотилади

САРАТОНГА ҚАРШИ КУРАШ

Пойтахтдаги Шератон меҳмонхонасида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Онкология маркази томонидан аёлларда сут бези саратонининг барвақт диагностикаси ва даволанишнинг замонавий усулларига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманда нафақат мамлакатимизнинг онколог-маммологлари, балки Москва, Санкт-Петербург, Челябинск ва Қозон шаҳарларидан келган мутахассислар ҳам қатнашишди. Улар мамлакатимизнинг тиббиёт институтлари онколог аспирант ва талабаларига саратон хасталигининг олдини олиш, даволаш юзасидан ўз тажрибаларини гапириб беришди.

Ўтказилган конференция келажакдаги илмий-амалий йўналишларни аниқ белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Тошкентда Осиё Тараққиёт банкининг «Таълим тизимидаги ислохотларни бошқаришда минтақавий ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида минтақалараро семинар ўтказилди.

Унда Озарбойжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон вакиллари, шунингдек, АҚШ, Франция ҳамда Буюк Британиялик таълим соҳаси мутахассислари иштирок этди.

Лойиҳа фаолияти семинарда иштирок этаётган мамлакатларда ислохотларнинг таҳлилини ўтказиш, ислохотлар соҳасида долзарб масалалар муҳокамаси учун семинарлар уюштириш, минтақалараро таълим тизими бўйича маълумот базасини барпо этиш учун интернет-саҳифаларни ишлаш ва фойдаланиш, шунингдек келгусида минтақалараро ҳамкорлик соҳаларини белгилашни ўз ичига олади.

«Туркистон-пресс».

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

МАТБУОТНИНГ ЎЗ СЎЗИ БЎЛСИН

Республикамызда оммавий ахборот воситалари ва ижодкорларнинг эркин, кенг қамровли, ошқора фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан бевосита шу соҳага тааллуқли бир қатор қонунлар қабул қилинди. Улар оммавий ахборот воситаси ва ҳар бир журналист учун нафақат асосий йўналиш, ўзига хос ҳимоя воситаси ҳамдир.

Шу ўринда яна бир масалага тўхталиб ўтиш жоиз. Гап жойлардаги ушбу Қонунлар ижроси ҳақида. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бу борада ҳам фаол ишламоқда. Унинг Комиссия ва Кўмиталари томонидан қабул қилинган Қонунлар ижроси бевосита жойларга чиқиб чуқур ўрганилмоқда, таҳлил этилмоқда, хулосалар чиқарилмоқда, камчилик-нуқсонлар аниқланиб, тегишли маслаҳатлар берилмоқда.

Яқинда Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот кўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг Тошкент вилоятидаги ижроси ўрганилди. Шу йилнинг 18 апрель куни кўмита йиғилишида ана шу текшириш натижалари муҳокама этилди. Йиғилишни кўмита раиси Ўткир Хошимов бошқарди.

Йиғилишда кун тартибидagi масала юзасидан вилоят ҳокимлигининг ижтимоий масалалар мажмуи котибияти раҳбари Холтура Шафоатов ахборот берди.

Бугунги кунда вилоятда 4та вилоят, 35та шаҳар, туман ҳамда кўп нусхали газеталар чоп этилмоқда. Ушбу газеталарнинг бир марталиқ тиражи 76 минг нусхани ташкил этади. Вилоятнинг бош наشري ҳисобланган «Тошкент ҳақиқати» газетаси 12 мингдан ортқ нусхадда, Қўмита туманининг «Давр овози», Тошкент туманининг «Истиклол нури» 4500-5000 нусхадда, Ангрен шаҳрининг «Ангрен ҳақиқати» – «Ангренская правда» газеталарининг ўзбекча ва русча нашрлари 3000 нусхадда чоп этилмоқда. Бу газеталар мавжуд ахборотларни тезкорлик билан ёритиш, сифат ва савияси жиҳатидан ҳам ажралиб туради.

Булардан ташқари вилоят туман ва шаҳарларида айна пайтда 5та телестудия, 5та кабель студияси ва бир нечта маҳаллий радиостудиялар ҳам фаолият кўрсатмоқда.

«Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан шуни айтиш керакки, вилоят идоралари ва ташкилотларидан тахририят аъзолари исталган ахборотларни олмақдалар. Бу жараёнда бирон

монелик ёки мураккаб вазият рўй бергани йўқ. Кейинги йилларда журналистлар зарурият бўлганда судларнинг очиқ мажлисларида ҳам эркин иштирок этмоқдалар. Журналистларнинг муаммоли, танқидий материаллари эълон қилинишига асоссиз аралашувлар ёки тўсқинликлар рўй бергани йўқ. Муҳим масалалар, газетхонларнинг ариза ва шикоятлари юзасидан журналист суриштирувлари ўтказилиб, уларнинг яқунлари бўйича муаммоли мақолалар эълон қилинмоқда.

Лекин, Кўмита мажлисида таъкидланганидек, вилоятдаги барча оммавий ахборот воситалари ҳам замон талаблари даражасида иш олиб бораёпти, деб бўлмади. Айрим маҳаллий газеталарнинг матбаа сифати паст. Улар техник ҳамда полиграфик жиҳатдан ночор босмаҳоналарда нашр этилмоқда. Бунга Зангиота туманининг «Истикбол», Бўка тумани ҳокимлигининг «Халқ овози» газеталари мисол бўла олади. Шунингдек, йиғилишда муассислар билан нашрлар ўртасидаги муносабат, ҳамкорлик масаласига ҳам алоҳида тўхталинди. Бу беҳиз эмас, газетанинг қай даражада чиқиши, унинг долзарб мавзуларни очиб беришида яратиб берилган шароит ва муассис билан боғлиқлик катта роль ўйнайди. Шу нуқтаи назардан Олмалиқ шаҳри, Бўстонлик тумани ҳокимликларининг ўз нашрларига бўлган муносабатлари етарли эмаслиги рўй-рост айтилди. Бунга юз мингдан ортқ аҳоли истиқомат қилаётган Олмалиқ шаҳрининг «Олмалиқ

ҳақиқати» газетаси бор-йўғи 750 нусхадда, «Бўстонлик овози» газетасининг 1500 нусхадда чоп этилаётганлиги яққол мисолдир. Шунингдек, бу газеталар тахририятларида журналистлар учун етарли шароит яратиб берилмаган.

Йиғилишда Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини назорат қилишда халқ депутатлари Кенгашларининг доимий комиссиялари, депутатлар имкониятлардан кенг фойдаланиш, туман ва шаҳар ҳокимликларида бу масалаларга алоҳида масъулият билан ёндошиш зарурлиги ҳам таъкидланди. Вилоятда айниқса маҳаллий нашрларни журналист кадрлар билан мустаҳкамлаш, уларни тайёрлаш ва ўқитишга эътиборни қучайтириш, газеталарни шакл ва мазмунини бойитиш, обуначиларини кўпайтириш, моддий техника базасини яхшилаш юзасидан кўшимча чоралар кўриш тавсия этилди.

Кўмита мажлисида кун тартибидagi масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Тошкент вилоятида «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг ижроси муҳокамасига бағишланган ушбу йиғилиш гарчанд унда гап битта қонуннинг ижроси устида борган бўлсада аслида оммавий ахборот воситалари ишини такомиллаштириш, уларни ҳар томонлама қизиқарли нашрга айлантириш ва қонунлар яратиб берган имкониятлардан фойдаланиш борасида барча ижодкорлар ва тахририятлар учун зарур бўлган фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилганлиги билан алоҳида ўрин тутди.

Ўз мухбиримиз.

Замонамиз фидойилари

ОҚҚҮРҒОНДА Шундай МАКТАБ



Умидли дунё бу. Унда ўз бахтини-тахтини яратишга интилиб, минг бир қиёфада товланувчилар қанча. Аммо, одам боласидек яшаб, юртига бир умр хизмат қилиб, турмуш синовларига замона «кирдикорлари»га тоб бериб ўтиш, Ватан деб аталмиш бу диёр равнақию, эл фаровонлигини яратишга бутун иқтидори ва салоҳиятини бағишлаш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Лекин, Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг раиси, хизмат кўрсатган пахтакор Эргаш Ниёзов (суратда) тақдирини меҳнату курашлар билан яратган инсон. У ҳаёти ва қуч-қувватини элу-юрти хизматиға бағишлаб обрў-эътибор тоғди.

(Хикоянинг давомини 3-саҳифада ўқинг).

БАНК ТИЗИМИДА ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР

Ўзбекистон банклар уюшмаси Финляндиянинг Tieto Enator компанияси билан ҳамкорликда «Пластик карточкалар билан амалиётлар бозорининг ривожини мавзусида халқаро семинар ўтказди.

Ушбу тадбир пластик карточка билан амалиётлар бозорини ўрганишни ва янги карточка технологиялари ва электрон молиявий дастакларни тадбиқ этиш йўли билан нақдсиз ҳисоб-китоблар миллий тўлов тизимини босқичма-босқич барпо этишни кўзда тутган теҳник ёрдам лойиҳаси бўйича Ўзбекистон ҳукумати ва халқаро молиявий корпорация ўртасидаги шартнома доирасида ўтказилди.

«Туркистон-пресс».

Бугунги сонда:

ЖАРАЁН

Кўпни кўрган дехконлар, фахрийлар эса бу йилги шароитда чигит экишни кечиктирмасдан тугаллаб олишни маслаҳат беришди.

2-бет

ЭҲТИРОМ

Шундай инсонлар орамызда кўпайгани сари бу дунё жозибали, мукаммал бўла боради. Қишлоқлар обод, эл тинч, турмуш бадастир бўлади.

3-бет

01 ОГОҲЛАНТИРАДИ

Ёнғин асосан газ ва электр ускуналарининг носозлиги ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларининг бузилиши, ёлғиз қолдирилган болаларнинг гуғурт ўйнаши натижасида юз бераёпти.

6-бет

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Мухаммад Зоҳиршоҳ ўттиз йиллик муҳожирликдан кейин ватанига қайтди.

7-бет

СПОРТ

Жорий йилнинг 24-30 апрель кунлари Фарғонада ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг финал қисми бўлиб ўтади.

8-бет

Дехқон юмушлари

Эрта эккан дехқоннинг ҳосил замини мустақамлигига ишончи комил бўлади. Янгийул тумани далаларини айланганимизда дехқон кайфиятидаги бу ҳолат сезилиб турар эди. 1400 гектар майдонга плёнка тагига экилган чигит аллақачоноқ униб, қаторлар ҳосил қилган. Бу майдонларда дастлабки ишлов беришга ҳам барвақт киришилди.


Очиқ далаларда ҳам сўнги гектарларга уруғ ташланмоқда. Табиийки, бўлажак ҳосилнинг сифати, салмоғи олинандиган даромаднинг кўп ёки озлиги далаларга қандай навдаги чигит экилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Янгийулликлар ўзларининг тажрибаларига таяниб, бу йил ҳам асосий майдонларда «С-6524» навли ғўза ўстиришга қарор қилдилар.

— Пахтакорларимизнинг бу навни афзал кўрганликларининг боиси бор, — дейди туман ҳокими Йўлдош Тожибоев. — Улар навнинг агротехникасини яхши ўрганиб олганлар. Экиннинг ҳолатига қараб қачон ўғит бериш, культивацияни қачон ва қандай меъёрда ўтказишни пухта билиб олганлар. Дарвоқе, экишнинг муваффақиятини таъминлашда мавжуд техникаларнинг ўз вақтида сошлаб қўйилганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қизгин паллада юзга яқин сеялка ишляпти. Шунинг учун ҳам экиш ишлари маромидан бормоқда. Ҳамроқул Турсунқулов номли, Мирзо Улугбек номли ва «Қовунчи» ширкат хўжаликлари туманда биринчилардан бўлиб чигит экишни тугалладилар.

Биз тумандаги Мирзабобоев номли шир-

кат хўжалигида бўлди. Бу йил 600 гектар майдонга чигит экилади.

— Ўтган йили пахта режасини 6 октябрда бажариб, ҳар гектари-



ИШЛОВГА КИРИШИЛДИ

дан 28 центнердан ҳосил олган эдик, — дейди бошқарув раиси Рўзибой Умурзоқов. — Бу йил пахтани эрта пишириб, ҳосилдорликни кам деганда 30 центнерга олиб чиқишга аҳд қилганмиз. Сабаби режа қанчалик барвақт бажарилса, ундан кейинги қилинадиган ишлар ўз вақтида ва маромида амалга ошади.

Кўпни кўрган дехқонлар, фахрийлар эса бу йилги шароитда чигит экишни 10 апрелдан кечикмасдан тугаллаб олишни маслаҳат беришди. Хўжалиқда шунга ҳаракат қилинди ва бу мақсадга эришишда техниканинг созлиги катта омил бўлди.

Бошқа хўжалиқлардаги сингари мирзабобоевликлар ҳам эндиликда асосий эътиборни биринчи парваришни авж олдириб юборишга қаратмоқдалар.

Носир РИХСИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Пудрат асосида

ДЕХҚОН ДОВРУҒИ ДАЛАСИДА

Пскент туманидаги Охунбобоев номли хўжаликнинг пахта майдонлари жорий йилда 700 гектарга кенгайди. Айни пайтда мавжуд бир минг 24 гектар майдонга чигит оби-тобида экиб олинди. Унинг тенг ярми плёнка остида парваришланмоқда.

— Андижон усулида чигит экишнинг афзаллиги кўп. Ҳосил эрта етилади, юқори навларга сотиш мумкин. Бултур шунинг ҳисобидан 66 миллион сўм соф даромад олдик, — дейди ширкат хўжалиги раиси Облоёр Абдурахмонов.

Чигитни плёнка остида парваришlash машаққатли иш. Ҳар бир ниҳол назоратда бўлиши зарур. Бироқ шунга яраша ҳосил ҳам мўл ва сифатли бўлади. Ўтган йили пудратчи Ҳакима Охунова беш гектар майдондан ўртача 45 центнердан ҳосил кўтарди. Қўшимча 300 минг сўм даромад қилди. Бундан ташқари, топширган ҳосилига яраша ўсимлик ёғи, шрот, чигитпўчок олди.

Бугунги кунда хўжалиқдаги

440 оила пахта, 147 оила пудрат асосида ғалла парвариши билан банд. Хўжалик маъмурияти шартномага мувофиқ уларни техника, минерал ўғит билан таъминламоқда. Ҳар шанба ўтказиладиган "Пудратчилар куни"да улар билан суҳбат ўтказилиб, шартнома шартларига томонлар қандай амал қилаётгани ўрганиб борилаётир. Пайдо бўлган низолар шу жойнинг ўзида бартараф этилмоқда.

Хўжалик дехқонлари жорий йилда давлат қабул пунктларига уч минг тонна пахта, 1 минг 110 тонна ғалла етказиб беришга аҳд қилган. Хусусан, ғалладан ўртача 70 центнердан ҳосил кўтариш режалаштирилмоқда.

ЎЗА.

Қулайлик

ШАРТНОМАЛАР МОНИТОРИНГИ

Оҳангарон туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга етказиб бериладиган нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ҳамда техника хизмати бўйича тузилган шартномалар бу йил илк бор давлат рўйхатидан ўтказилди.

Айни кунларда уларнинг бажарилиши устидан қатъий мониторинг олиб борилмоқда. Натижада йил бошидан буён хўжаликлар ва фермерлар шартномаларда кўзда тутилган 5 минг 367 тонна минерал ўғитнинг 3 минг 242 тоннасини олди.

— Ширкат ва фермер хўжаликларини ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлашда ҳам қулайликлар яратишга ҳаракат қилинмоқда, — деди шартнома мажбуриятлари бажарилишини назорат қилиш давлат инспекцияси Оҳангарон бўлими ноziри Турғунбой Сайдазов. — Хусу-

сан, улар эндиликда нефть маҳсулотларининг бир қисмини 70-80 километр олисда жойлашган "Кучлук" нефть базасидан эмас, унинг ўзларига анча яқин бўлган Ангрен филиалидан олаётди. Мазкур филиал айни кунгача туман хўжаликларига 170 тоннадан ортқ нефть маҳсулотлари етказиб берди.

Туман хўжаликлари шу кунгача 15,2 минг тонна ғалла, 25 тонна пилла, 2667 тонна сабзавот, 588 тонна картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан контрактация шартномалари тузиб қўйди.

ЎЗА.

Вилоят Маънавият ва маърифат кенгашида

ЭНГ ФАОЛ МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ

«Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурининг мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, уни ҳаётга жорий қилишни давом эттириш мақсадида маънавият ва маърифат кенгаши вилоятимиз миқёсида «Энг фаол маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловини ўтказишдек хайрли ишга қўл урди.

Кўрик-танловни ўтказишдан мақсад — миллий истиқлол ғояларига суянган ҳолда вилоятимиз қарияларини эъзозлаш, уларни жамоатчилик ишига янада кенг жалб қилиш, билим ва тажрибаларидан ёшлар тарбиясида унумли фойдаланиш, аҳоли орасида маданий, маърифий ишларни жонлантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, маҳаллада соғлом муҳит яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ва миллий қадриятларимиз-

нинг мазмун-моҳиятини халқимизга чуқур тушунтиришдан иборатдир.

Ушбу «Энг фаол маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловини Ички ишлар бошқармаси, «Тасвирий ойна» уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Нуроний», «Маҳалла» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорликда қўшма қарор ва Низом асосида ўтказмоқдалар.

Кўрик-танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси байрами арафасида аниқланиб, тақдирланади.

ИСТИҚЛОЛ ҒОЯЛАРИ ЎҚУВИ

Вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши таълимдан ташқари соҳаларда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганиш бўйича ўқув машғулотларини изчил мувофиқлаштириб бормоқда.

Ўқув машғулотларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, миллий мафкура илмий тарғибот маркази Олий таълим вазирлиги тасарруфидаги 28та, олий ўқув юртларидан жами 41 нафар малакали мутахассислар, етук олимлар жалб этилди.

Хусусан, Бекобод шаҳридаги Ўзбекистон металлургия комбинатининг мажлислар залида шаҳар ҳокимлигининг масъул ходимлари ва ташкилот ходимлари иштирокида «Ҳозирги халқаро сиёсий аҳвол», «Ўзбекистон тараққиёти ва мафкуравий муаммолар», «Хуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотлар», «Ғоя ва мафкура тушунчаларининг мазмун ва моҳияти» мавзуларида машғулот ўтказилди. Ушбу машғулотда халқаро шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, вилоят Адлия бошқармаси хуқуқ-тарғибот бўлими бошлиғи Маъмур

Тўйчиев, «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими раҳбари ўринбосари Абдурахмат Норқобиловлар иштирок этиб, маъруза қилдилар.

Бундай ўқув машғулоти Бўка тумани ҳокимлигининг масъул ходимлари, ташкилот, корхона, хўжалиқлар раҳбарлари ва фаоллари иштирокида «Президент Ислам Каримов — миллий мафкура асосчиси», «Миллий ғоя ва мафкуралар тарихидан» мавзусида ўтказилди. Унда Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов маъруза қилди.

Шунингдек, вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси, Давлат бош ветеринария бошқармаси, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ва вилоят солиқ бошқармаси жамоаларида ҳам ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.

Ўз мухбиримиз.

ЁШЛАР

ТАРБИЯСИ — БОШ МАҚСАД

Пскент туманида вилоят адлия бошқармасининг «Хуқуқий маърифат тарғиботи минтақавий бўлими», вилоят ОИТС маркази ҳамда туман прокуратураси ва ички ишлар бўлими ҳамкорлигида «Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, ҳуқуқбузарлик ҳамда гиёҳвандликнинг олдини олиш чора-тадбирлари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Мактаб ўқувчилари ўртасида ўтган ушбу тадбирда Адлия бошқармаси бўлим бошлиғи М. Тўйчиев «Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик оқибатлари», ОИТС маркази шифокори Б. Расулов эса «Гиёҳвандлик ва ОИТС касалликлари» мавзуларида маъруза қилдилар.

Ўз мухбиримиз.

Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маиший хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар, дорихоналар, коммунал ширкатлар ва дўконлар сони кундан-кунга кўпайиб бораётир. Бундай масканларда санитария-гиғиена талаблари ва амалдаги меъёрий ҳужжатларга риоя қилинган ҳолда хизмат кўрсатилаётими?

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунида истеъмолчилар манфаатлари муҳофазаси қонун ва давлат томонидан кафолатланиши кўрсатиб ўтилган. Шунга асосан аҳолининг ҳуқуқий онгини ҳамда саводхонлигини янада ошириш мақсадида шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлан-

Тадбир

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

тириш ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда барча шаҳар ва туманларда «Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимояда» мавзусида семинар-йиғилишлар ўтказилди. Унда маҳалла оқсоқоллари ва қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, маҳалла фаоллари, ўқув муассасалари ўқитувчилари, уй-жой ширкатлари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этдилар.

Тадбир ташкилотчилари иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб бердилар ва истеъмолчи нуқсонли товар сотиб олганда, ўз

ҳақ-ҳуқуқларини қандай талаб қилиши ҳақида батафсил маълумот бердилар. Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) ларнинг мажбуриятлари хусусида ҳам тўхталиб ўтилди.

Камчилик ва нуқсонлар учраб турар экан, бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш учун мана шундай тадбирларни кўпроқ ташкил этиш, ташвиқот-тарғибот ишларини қучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Алқаб АЛЛАМУРОДОВ.

2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили

Дехқончиликда ижобий натижаларга эришишда ўзига хос мактаб яратган Оққўрғон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси, миришкор пахтакор Эргаш Ниёзов... сингари фидойи инсонларга ҳар қанча таҳсин айтсак, арзийди.

Ислом КАРИМОВ.

1. КАМОЛОТ

— Нон ҳийла чучук йиллар эди, — эслайди Эргаш Ниёзов. — Уруш қизигандан қизиб, қирчиллама йигитларни ўз домига торгаётган паллар. Тўққиз ёшимда темирчилик устахонасида босқон тортиб, отамга қўл қоқишардим...

Оққўрғоннинг қўли гул устаси Ниёзхўжа Меҳмонхўжа ўгли брон буйича фронтга сафарбар этилмай қолдирилди. Давр шундай эди-да, ҳали «суяги қотмаган» ўғлини ёнига олиб, тонг саҳар ишга тушиб кетарди. Фурсат топса, унга хат-савод ўргатар, ҳаётнинг паст-баландини англатишга интиларди. Эргашнинг утли-шудли, зийрак ва зукколигини кузатиб қувонарди, уни ўқишга, илмли бўлишга даъват этарди.

— Бу кунлар унут бўлиб кетади ҳали, — дерди қурум босган, қора терга тушиб босқон арқонини торгаётган фарзандига термулиб. — Ҳалол бўл — соғлом яшайсан. Меҳнатдан қочма — зориқмайсан. Фикрда, ҳаракатда қатъият курсат — зориқмайсан, мўте бўлмайсан, ўсиб-унаса...

— Отамнинг уғитлари бир умрлик сабоқ бўлиб қолди, — ҳикоясини давом эттиради ота. — Урушдан кейин ўқитувчилар билимимни итиҳон қилиб, бир йўла тўртинчи синфга қабул қилишди. Мактабда дарсни тугатиб, далага чопардим, — отам вафот этганларидан кейин рўзгор ташвиши ҳам елкамда эди...

Усмир бутун борлиги билан ўқиди, мактабни олтин медал билан тугатди. Олий ўқув юртига кириш иштиёқи қанчалик кучли бўлмасин, у ишлаши, оила тирикчилигини ўйлаши керак эди. Маорифчилар уни шоғирдликка олишди — кечаги ўқувчи Эргаш Ниёзов физика-математика ўқитувчиси этиб тайинланди. Дарсларни бугун кечагидан қизиқарли ўтиш, ўқувчиларга пухта билим бериш учун тинмай изланди, устозлардан ургади. Мактабда ишлаб юриб педагогика институтининг филология факультетини аъло баҳолар билан битириб ҳам олди.

— Интилсанг, толе йўли очилаваркан, — ҳулоса қилади суҳбатдошимиз. — Ҳаракат зое кетмас экан.

Ота насихатларини инжу билган фарзанд катта йўлга чиқиб олди. Энди ўзи ўқитувчилар жамоаларига, хўжаликлар, корхоналарга раҳбарлик қила бошлади, турли лавозимларга кўтарилди.

2. ИЗЛАНИШЛАР МЕВАСИ

— Эсимни танибманки, кўриб-кузатиб келаман — қачон қараманг, Эргаш ака залворли юмушларга бош, — дейди Оққўрғон туман ҳокимининг уринбосари Муҳиддин Убайдуллаев. — Бу кишининг фикр доираси, изланиш йўсинлари ҳаётдан

(Давоми. Боши 1-бетда).

беш-ун йил илгарилаб кетган...

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида Эргаш Ниёзов ҳақиқий ижодкор, тадбирли ва қатъиятли раҳбар сифатида танилди. Ҳамиша пухта режа-лаб, мутахассисларга суяниб ишлаш унга муваффақият келтирмоқда.

Эргаш Ниёзов раҳбарлик қилган

ярмини нақд пул билан оламиз.

Бу мисоллар етмиш ёшда ҳам «Ўзбекистон»ни «Ўзбекистон» қилиб яшаётган ишбилармон раиснинг хўжаликни бошқариш услубига одилана чизгилар. Бугун наинки Оққўрғонда ёки вилоятда, балки бутун Ўзбекистонда хўжаликни юриштининг бажонидил тақдим этса арзийдиган узига хос мактаби шундай.

Қачон қарасангиз, бу киши эртанги-индинги ишлар ҳаёли билан юрганини кўрасиз.

— Бугуннинг юмушини хўжаликнинг мутахассисларига, деҳқону чоравадорларининг узига қўйиб беринг, — дейди Э. Ниёзов. — Раҳбарманми, мен истиқболни мустаҳкамлаб, чамалаб, кечирасиззу уни «башорат» қилиб яшашим керак. Афсуски, биз ҳали ўз салоҳиятимиз, ўқувимизни тўла ишга сола олмаётимиз, баъзан даврдан ортда қолаётимиз, оқсоқланаётимиз. Мен бу гапни мутахассисларга доим айтаман, ҳулоса қилинг дейман.

Бугунги «Ўзбекистон» ширкат

санаторий-курорт ва бошқа дам олиш масканларига текин йўлланма олади. Ваз устига, бориш-келиш ҳаражатларини ширкат хўжалиги кутаради. «МДХ мамлакатларидаги сиҳатгоҳларга ҳам йўлланмаларни текинга оламиз», — дейишади ширкат аъзолари.

Бугина эмас, хўжалик ўз талабаларининг олийгоҳда ўқишдаги муваффақиятига қараб 3-5 минг сўмдан қўшимча стипендия тўламоқда. Ишловчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш турлари кўп: талабалар, хўжалик қишлоқларига қатнаб ишловчи ўқитувчилар, шифокорларнинг йўл ҳақи — жамоа ҳисобидан. Газ, ичимлик суви, электр ҳақи, бошқа коммунал тўловларни ҳам хўжалик ўз гарданига олган. Радио, телефон — бепул. Ўз аъзолари газета-журналларга обуна бўлишлари учун хўжалик ҳар йили 2 миллион сўм ажратади. Қишлоқдаги 4 та мактабнинг аълочи ўқувчилари учун мукофотлар белгиланган. Кексаларни қадрлаш, ишловчиларига шарт-шароит яратиш, ёшларни тарбиялаб муносиб ўринбосар тайёрлаб бориш, лўнда қилиб айтганда, Э. Ниёзов раҳбарлик қилаётган «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги яратган мактабнинг бугунги тамойиллари мана шундай.

3. ХАВАС ҚИЛСА АРСИЙДИ

Ниёзовлар — Оққўрғонда доврўкли сулола. Оддий темирчи ва дурадгор — уста Ниёзхўжа Меҳмонхўжа ўгли фарзандининг қулогига қўйган панд-насиҳатлар, уғитлар Эргаш ота тили орқали набиралар, эвара-чеваралар дилига жо бўлапти. Ва, сулола туб қўйиб, палак ёзмоқда.

— Бир армоним бор-да кўнглимда, — кўзларини қисиб, нуруний чеҳра билан кулимсирайди Эргаш ота. — Келинларни — овсинлари, қайнонаси билан «жиққамуш» қила олмай доғдаман. Қани бир тортишиб, жанжанлашиб қолишса, дейман. Қаёқда?!

Ниёзовлар оиласи бир тарбия мактаби даражасида. Бир угил — ота изидан бориб, бугун «Султонобод» ширкат хўжалигига раис. Бири — тадбиркор, бири — божхона ходими... Келинларнинг ҳар бири ҳам бир ишда. Улар изидан набиралар ҳам вояга етиб, ҳар бири бир ишнинг бошини тутиб борапти.

Эл-юрт хизматиға камарбасталик, ҳалоллик, ҳақғуйллик сулола илдиларини теранлаштириб, фарзандларни камолга етказмоқда

Шу ёшда ҳам тиниб-тинчимасдан, ҳамон изланишга, ҳаракатга навқирон иштиёқ билан яшаётган Эргаш отага кўч, бардамлик бағишлаётган асосий омил мана шу. Ота 1992 йили Ўзбекистонда хизмат курсатган пахтакор унвонига сазов бўлди. Мустақилликнинг ун йилиги арафасида эса, «Эл-юрт ҳурмати» ордени билан тақдирланди. «Истиқлол йилларида меҳнатимга берилган бу баҳо мен учун юртнинг, Ватаннинг энг катта неъматидир», дейди у.

Вилоят пахтакорлар кенгашининг раиси, оқсоқоли Эргаш Ниёзов билан бир суҳбат қурган, бу кишининг ишлари билан бир бора танишган кишининг кўнглида умидбахш бир ҳавас уйғонади. Шундай инсонлар орамизда кўпайгани сари бу дунё жозибали, мукамал бўлаборади. Қишлоқлар обод, эл тинч, турмуш бадастир бўлади.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ.

ОҚҚҮРҒОНДА ШУНДАЙ МАКТАБ



СУРАТДА: Эргаш Ниёзов ўғли — «Султонобод» ширкат хўжалигининг раиси Шухрат Ниёзов билан.

йиллари «Султонобод», Ҳамид Олимжон номли, «Ўзбекистон» хўжаликларни ривожланди, иқтисоди мустаҳкамланди.

— Ота хўжалигимизга қайтадан бош бўлиб келдию ишларимиз яна юришиб кетди, — дейди «Ўзбекистон» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси Абдулла Эргашев. — Узимиздан қиёс. Хонадонимиздан 12 киши жам бўлиб, пахтада ишлаймиз. Ўтган йили ҳосил 38 центнерга етди, 3 миллион 260 минг сўм даромад қилдик. Оиламиз ўз меҳнати эвазига 2,5 тонна пахта мойи, 6 минг дона совун олди.

— 120 гектар галламиз бор, — дейди бошқа бир бош пудратчи Гулом Уролов. — Бугдўйнинг ҳозирги ҳолати ҳосилдорлик 70 центнерга етиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Лекин раис ҳамон ҳаракатда. Режа эса — 42. Ортиқ ҳосилнинг ярмини натурга,

хўжалигида бу тамойил, бу иш услуби ўз натижасини берапти, десак хато бўлмайди. Ишлаб чиқаришнинг асосий тармоқлари — пахта, галла, пилла, чорва ҳар йили миллион-миллион сўм соф даромад келтирмоқда. Ҳисоблаш марказида бўлсангиз, шундай рақамларни эшитиб хурсанд бўласиз. Соф фойда ўтган йили 76 миллион сўмга етди. Ишлаб чиқаришнинг самарадорлик даражаси 24,6 фоиз. Ширкат аъзолари ойига ўртача 30 минг сўм ҳақ олишади. Маош — ой сари, аниқ белгиланган кунларда нақд берилади.

— Ғузани, галлани кўраман деб далама-дала елиб юрган раис раис эмас, — дейди Э. Ниёзов. — Бугунги раҳбар одамларнинг турмушини йўлга қўйишни, уларни дам олдиришни, саломатлигини тиклашни ҳам уйласин. «Ўзбекистон»да ҳар йили 120 киши

DUSHANBA

22

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45, 17.55 ТВ маркет.
8.50 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.25 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қушлар»
9.40 «Туртинчи ҳокимият»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar
10.05 «Бошқача ҳаёт». Бадий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси Дони Зокиров номидаги халқ чолғулари оркестрининг концерти.
12.05 «Олам». Телеальманах.
12.35 «Азиз одамлар». Дам олиш дастури.
13.25 ТВ анонс.

13.30 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Бали, Раислар». Телевизион ўйин.
15.00 М.Исмоил. «Янги ой чиққан кеча».
15.00 Видеофильм. 1-қисм.
16.00 «Олтин тоғ». Телевизион ўйин.
16.20 Кундузги сеанс: «Қандай ажиб бу дунё». Бадий фильм.
18.10 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
18.25 «Мулк».
18.45 «Бахтли воқеа». Телелоторей.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қалбимда юрт ишқи». 1-қисм.
21.45 2002 йил -

Қарияларни кадрлаш йили. «Париси бор уй».

«Спорт» дастури:
22.15 «Миллионлар ўйини».
22.45 Тазкандо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.05 «Ахборот - дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 Давр тонги.
10.00 «Янги авлод» студияси: «Уй вазифаси», «Болалар шеърятидан».
10.25 «Самовий саргузаштлар». Сериал. 26-қисм.
10.50 Яшанбада кўришгунча.
11.05 «Давр ҳафта ичида».
11.35 Мусиқий лаҳзалар.
11.45 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал.
12.35 Давр-news.
12.55 «Дарбадарлик». Бадий фильм. 4-қисм.
13.40 Автосалтанат.
13.55 Вильям Шекспир.

20.50 «Эсмеральда». Телесериал.
21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканаллари спорт: Интерфутбол.
Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.
00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 Болажонлар экрани. «Дайди тўтининг кайтиши».
18.00 «Мусиқий меҳмонхона».
18.25, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТТВда сериал: «Жан Кристофф». 6-қисм.
19.35, 21.10, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».

20.25 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».
21.45 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.45 Кинонигоҳ. «Жейн Эйр». 1-қисм.
23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканаллари

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.
16.05 «Вести».
16.20 CFI тақдим этади: «Покахонтас».
Мультсериал.
17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

17.25 М. Евдокимов ҳузурида меҳмонда.
18.00 «Мени куттил».
19.00 «Рус рулеткаси». Телеўйин.
20.00 Время.
20.35 «Зарбдор куч». Сериал.

21.40 «ТВ-4да Немис тўлкини».

22.00 «Хаёллар ороли». Сериал.

22.45 «Ахборот» (рус тилида)

23.15 «Тунигинг осуда бўлсин!»

30-й канал

До 16.55

профилактические работы

17.00 Программа передач

17.05 Документальное кино на 30-м: «Человек и море»

17.45 «Теле-хамкор»

18.05 «Петербургские тайны», телесериал

19.00 Киновечер на 30-м: «Женщина для всех», мелодрама

20.35 «Теле-хамкор»

21.00 «Спокойной ночи, малыши!»

21.20 «Ошикона», музыкальная программа

21.30 Киновечер на 30-м: «Эволюция», фантастика

23.15 «Скорая помощь», телесериал

00.00 Спорт в полночь

00.55 Программа передач

SESHANBA

23

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қоядаги расмлар»
9.10 «Нафосат гулшани»
9.40 «Бахтимизга омон бўлинг»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгилıklar
10.05 «Мулк»
10.25 «Оловудиннинг сеҳрли шамчирғи». Бадий фильм.
11.45 «Рангин дунё»
12.05 «Миллионлар ўйини»
12.35, 13.55 ТВ анонс.
12.40 «Бадий кенгашдан сўнг»
13.00 «Париси бор уй»
13.30 «23,5 даражали бурчак остида»

Телесериал премьераси.
79-қисм.
14.10 «Қишлоқ ҳаёти».
14.30 Болалар учун. «Миттивойлар оиласи».
14.50 «Талабалик йилларим».
15.10 ТВ клип.
15.20 М. Исмоил. «Янги ой чиққан кеча». Видеофильм. 2-қисм.
16.20 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан»
18.10 «Бировнинг устидан кулма». Мультфильм.
18.15 «Баркамол авлод орзуси»
18.35 «Инсон ва қонун»
18.55 Бир жуфт кўшиқ.
19.05 «Тарих кўзгуси»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 «Солиқ ва биз».

21.20 «Қалбимда юрт ишқи».

2-қисм.

22.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин».

Телесериал премьераси.

22.30 «Спорт, спорт, спорт».

22.45 «Мувозанат».

23.10 «Ахборот - дайжест».

23.30-23.35 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» почтаси.

Болалар учун концерт.

9.45 «Мультмоша».

10.00 Бизнес-академия.

10.15 «Эсмеральда».

Телесериал.

10.45 Мусиқий лаҳзалар.

10.55 Кинотақдим.

11.15 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари».

Телесериал.

12.05 Ёшлар овози.

12.25 Интерфутбол.

14.05 Олтин мерос.

14.15 Жаҳон жуғрофияси.

15.05 «Қўлик». Бадий фильм.

16.25 Очун.

16.50 Кўрсатувлар дастури.

16.55 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

«Савол беринг - жавоб берамиз».

17.25 «Мультмоша».

17.40 Солиқ ҳақида сабоқлар.

17.55 Қўна оҳанглар.

18.05 Минг бир маслаҳат.

18.25 Автопатруль.

18.45 Оқшом наволари.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Давр-интервью.

19.55 Ёшлик наволари.

20.10 Марди майдон.

20.30 Дийдор.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.55 «Эсмеральда».

Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканаллари спорт дастури.

23.45 «Давр». Ахборот

дастури.

24.00 «Олтин маъбуда».

Бадий фильм.

1.15- 1.20 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканаллари

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Санта-Барбара».

18.00 Болажонлар экрани.

«Бури ва бузоқча».

Мультфильм.

18.10 «Дурдона».

18.25, 20.00, 21.25, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.45 ТТВда сериал: «Жан Кристофф». 7-қисм.

19.35, 21.00, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.

19.50 «Эхтиром ила».

20.25 ТТВда сериал: «Бибилиска пул».

21.45 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.

22.45 Кинонигоҳ «Жейн Эйр».

2-қисм.

23.40-23.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканаллари

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Кўрсатувлар тартиби.

16.05 «Вести».

17.20 CFI тақдим этади: «Покахонтас».

Мультсериал.

17.10 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.

17.25 Е. Петросяннинг «Кулгу панорамаси».

18.00 «Оилавий ришталар».

Сериал.

19.00 «Заиф бўгин». Шоу ўйин.

20.00 «Время».

20.35 «Зарбдор куч».

Сериал.

21.40 «Автострада».

22.00 FCN «Ўзбекистон янгилıkları» (инглиз тилида)

22.10 «Хаёллар ороли».

Сериал.

22.55 «Ахборот» (рус тилида)

23.25 «Тунигинг осуда бўлсин!»

30-й канал

09.00 Программа передач

09.05 «Теле-хамкор»

09.30 Детский час

10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ», сериал

10.50 «Очевидец», документальный сериал

11.20 «Чертенюк», телесериал

11.50 «Графиня де Монсоро», заключительная серия

13.30 «Майами Сендс», телесериал

14.15 Детский час

15.10 Дневной кинозал: «Крестносец», боевик

16.50 «Футурама», мультсериал

17.15 Документальное кино на 30-м: «Таймслот»

17.45 «Теле-хамкор»

18.05 «Петербургские тайны», телесериал

19.00 Киновечер на 30-м: «Чужие похороны», мелодрама

20.35 «Теле-хамкор»

21.00 «Спокойной ночи, малыши!»

21.20 «Ошикона», музыкальная программа

21.30 Киновечер на 30-м: «Орден мстителей», боевик

23.15 «Скорая помощь», телесериал

00.00 Спорт в полночь

00.55 Программа передач

CHORSHANBA

24

«Ўзбекистон» телеканаллари

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот»
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Буюк ипак йўли. Нурота»
9.20 Эстрада тароналари.
9.45 «Қишлоқ ҳақида ўйлар»
10.00, 12.00, 14.00 Янгилıklar
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.25 «Ажойиб хаёлпараст». Бадий фильм.
11.40 «Меҳр қолур»
12.05 «Қувноқ шаҳарча». Телевизион ўйин.
12.35 ТВ клип.
12.45 «Остонаси тиллодан».
13.05 «Аския»
13.25 «Ошин». Телесериал.
13.55, 14.30, 15.55 ТВ анонс.

14.10 «Баркамол авлод орзуси»
14.35 Экранда кинокомедия: «Ишбилармон кишилар». Бадий фильм.
16.00 «Ягона оилада»
16.30 «Ўзбекистон бастакорлари»
16.55 «Таянч нуқтаси»
17.10 «Қўшиғим жон қўшиғим»
17.40 «Орзулар қанотида»
18.10 Болалар учун. «Сеҳрли харфлар оролчаси»
18.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.00 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг тантанали очилишига бағишланган бадий-спорт байрами.
Фарғонадан олиб кўрсатилади.
20.25, 21.00, 21.40 Эълонлар
20.30 «Ахборот»
21.05 «Қўшиғимиз сизга армуғон»
21.45 «Дунёқараш»
22.00 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинларининг

тантанали очилишига бағишланган бадий - спорт байрами.

23.25 «Ахборот - дайжест».

23.45 - 23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканаллари

8.55 Кўрсатувлар дастури.

9.00 «Давр». Ахборот дастури.

9.15 «Янги авлод» студияси: «Оқ кабутар».

«Савол беринг - жавоб берамиз».

9.45 «Мультмоша».

10.00 Давр-интервью.

10.15 Мусиқий лаҳзалар.

10.25 «Эсмеральда».

Телесериал.

10.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.

11.10 «Жилванлмаган Африка». Ҳужжатли сериал.

12.00 Дийдор.

12.20 Қўна оҳанглар.

12.30 Ёшлар овози.

12.50 «Ёшлар» телеканаллари спорт: Теннис.

13.30 Автопатруль.

13.50 «Мафусайл». Бадий фильм.

15.40 Кўрсатувлар дастури.

15.45 Уйна, болажон, уйна.

16.00 «Янги авлод» студияси: «Дунё ва болалар».

«Болалар шеърятидан».

16.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.

17.15 ТВ-анонс.

17.25 «Мени тушун».

Телеўйин.

17.50 Чемпион сирлари.

18.10 Далил ва шарҳ.

18.25 Оқшом наволари.

18.40 Каталог.

18.50 Олтин мерос.

18.55, 21.55 Иқлим.

19.00 «Давр». Ахборот дастури.

19.35 ТВ-анонс.

19.40 Ракурс.

20.00 Спорт-лото.

20.10 Очил дастурхон.

20.25 Сифат белгиси.

20.35 Ёшлик қўшиқлари.

20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар

20.55 «Эсмеральда».

Телесериал.

21.30 Ёшлар овози.

21.50 Олтин мерос.

22.00 «Давр». Ахборот дастури.

22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.

23.05 «Ёшлар» телеканаллари

спорт: Интерфутбол.

Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури.

00.55-1.00 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканаллари

<p>21.50 Олтин мерос. 22.00 «Давр». Ахборот дастури. 22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал. 23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Интерфутбол. Танаффус пайтида -23.50 «Давр». Ахборот дастури. 00.55-1.00 Хайрли тун!</p> <p>«Тошкент» телеканали</p> <p>17.15 Курсатулар</p>	<p>тартиби. 17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара». 18.00 Болажонлар экран. Мультипликация. 18.25, 20.00, 21.25, 22.40 «Пойтахт». Ахборот дастури. 18.45 ТВда сериал: «Кушлар ҳақида ҳақиқат». 19.35, 21.10, 22.20 «Экспресс» телегазетаси. 19.50 «Жозиба». 20.25 ТВда сериал: «Бебилиска пул».</p>	<p>21.45 «Тошкент ва тошкентликлар». 22.05 «Сўхбатдош». 23.05 Кинонигоҳ. «Фландрия ити». 00.25-00.30 «Хайрли тун, шахрим!»</p> <p>«Халқаро» телеканал</p> <p>РЖТ 6.30-8.00</p> <p>16.00 Курсатулар тартиби. 16.05 «Вести». 16.20 «Жаҳон бўйлаб». 17.10 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.</p>	<p>17.25 «Рус экстрими». 18.00 «Оилавий ришталар». Сериал. 19.00 «Заиф бўғин». Шоу ўйин. 20.00 «Время». 20.35 И. Скобцева, В. Глаголева ва Л. Смирнова «Меросқўрлар» фильмида. 1-қисм.</p> <p>21.40 «Соккер клуб». 22.00 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)</p>	<p>22.10 «Хайрлар ороли». Сериал. 22.55 «Ахборот» (рус тилида) 23.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»</p> <p>30-й канал</p> <p>09.00 Программа передач 09.05 «Теле-хамкор» 09.30 Детский час 10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ», сериал 10.50 «Яши кайфият», музыкально-</p>	<p>развлекательная программа 11.20 «Чертенюк», телесериал 12.00 «Демидов», 1 серия 13.30 «Майами Сендс», телесериал 14.15 Детский час 15.10 Дневной киносеанс: «Смерть звонит дважды», комедия 16.50 «Футурама», мультсериал 17.15 «Кино, кино, кино» 17.40 «Теле-хамкор»</p>	<p>18.05 «Петербургские тайны», телесериал 19.00 Киновечер на 30-м: «Амазонка» 20.35 «Теле-хамкор» 21.00 «Спокойной ночи, малыши!» 21.20 «Ошикона» музыкальная программа 21.30 Киновечер на 30-м: «Виноград», детектив 23.15 «Скорая помощь», телесериал 00.00 Спорт в полночь 00.55 Программа передач</p>
---	---	--	---	---	---	--

JUMA **26**

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектеlevision» намоиши: «Сополда акс этган дунё».
9.15 «Ўзбекистон: XXI аср ёшлари»
9.35 «Санъатга бахшида умр».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 ТВ-1 кинотеатри: «Самодаги пойғалар». Бадий фильм. 1-қисм.
11.40 «Ўзлинг намоян қил». Экранда - Самарқанд вилояти.
12.05 «Мен бобомдек бўлишни хоҳлайман».
12.25, 12.50 ТВ анонс.
12.30 «Инсон ва қонун».
13.00 «Ошин». Телесериал.
13.30 «Умид ниҳоллари»

спорт ўйинлари кундалиги.
14.10 «Даврани кенгроқ олинг». Мусикий дастур.
14.40 Тоир Юнус. «Қор одам воқеаси». Ўзбек Миллий академик драма театри спектаклининг премьераси. 1-қисм.
15.40 «Моҳият».
16.00 «Қор одам воқеаси». Ўзбек Миллий академик драма театрининг спектакли. 2-қисм.
16.40 «Яшил чироқ». Телемусобақа.
17.10 ТВ клип.
17.20 «Нури манзиллар».
17.40 «Телепортрет».
18.10 «Тафсилот».
18.25 «Омад қувончи». Телелотерея.
19.05 «Зиё» студияси намоиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 Тиббиёт одимлари.
20.30 «Ахборот».

21.05 Санъат усталари ва ёш ижрочилар концерти.
21.30 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари кундалиги.
22.00 «Ўзбекистон» каналда илк маротаба: «Ошин». Телесериал премьераси.
22.30 «Олтин бешик»
22.55 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.25 «Ахборот - дайжест».
23.45 - 23.50 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

8.55 Курсатулар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус».
9.40 «Мультимоша».
9.55 Уйна, болажон, ўйна.
10.10 «Давр»-интервью.
10.25 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.55 Мусикий лаҳзалар.
11.10 Бегойим.
11.30 Ёшлар овози.
11.50 Одамлар орасида.
12.10 «Учинчи сайёра» маърифий дастур.
13.00 Минг бир маслаҳат.
13.20 ТВ-анонс.
13.30 ТВ-саҳнат.
13.50 Кўҳна оҳанглар.

14.05 Интерфутбол.
15.45 «Гул ва тош». Бадий фильм. 2-қисм.
17.00 Курсатулар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Олтин қалит».
17.35 «Мультимоша».
17.50 Автосалтанат.
18.05 ТВ-анонс.
18.15 «Оби ҳаёт» экологик тележурнал.
18.30 Ёшлар ва маънавият.
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Муғола.
19.55 Аскар мактублари.
20.15 Аср қиёфаси.
20.35 «Ёр ишқи». Мусикий дастур.
20.50, 21.25, 22.35 Эълонлар
20.55 «Эсмеральда».
Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 «Муҳаббат қаҳваси». Телесериал.
23.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.

00.05 «Давр». Ахборот дастури.
00.20 «Холодильникда кимдир бор». Бадий фильм.
1.30-1.35 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Курсатулар тартиби.
17.20 ТВда сериал: «Санта-Барбара».
18.00 Болажонлар экран. Мультфильм.
18.10 «Спорт ва болалар».
18.25, 20.00, 21.55, 22.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.45 ТВда сериал: «Кушлар ҳақида ҳақиқат».
19.35, 20.55, 22.15 «Экспресс» телегазетаси.
19.50 «Авто-news».
20.25 «Ўзбегим наво».
21.10 ТВда сериал: «Бебилиска пул».
Телесериал.
22.55 Кинонигоҳ. «Бўронлар ҳукмдори».
00.25-00.30 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

РЖТ 6.30-8.00

16.00 Курсатулар тартиби.
16.05 «Вести».

16.20 «Қиролина асри». Хужжатли фильм.
17.15 «Бугун оламда». Ахборот курсатуви.

17.25 «Ўзим биламан». Ҳажвий журнал.
18.00 «Оилавий ришталар». Сериал.
19.00 «Муъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.35 И. Скобцева, В. Глаголева ва Л. Смирнова «Меросқўрлар» фильмида. 2-қисм.

21.40 «Дурдаршан».
22.05 «Хайрлар ороли». Сериал.
22.50 «Ахборот» (рус тилида)
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 Детский час
10.25 «Таинственные рыцари ТИР НА НОГ», телесериал
10.50 «Яши кайфият», музыкально-развлекательная программа
11.20 «Чертенюк», телесериал

12.00 «Демидов», 2 серия
13.30 «Майами Сендс», телесериал
14.15 Детский час
15.10 Дневной кинозал: «Странная парочка», комедия
16.50 «Футурама», мультсериал
17.15 Мир боевых искусств», спортивная передача
17.45 «Теле-хамкор»
18.05 «Петербургские тайны», телесериал
19.00 Киновечер на 30-м: «Мелодрама с покушением на убийство»
20.35 «Теле-хамкор»
21.00 «Спокойной ночи, малыши!»
21.20 «Ошикона», музыкальная программа
21.30 Киновечер на 30-м: «Высокий блондин в черном ботинке», комедия
23.15 «Скорая помощь», телесериал
00.00 Спорт полночь
00.55 Программа передач

SHANBA **27**

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Музыка бўстони».
9.20 «Кўза». Кисқа метражли бадий фильм.
9.50 «Зиё» студияси намоиш этади: «Эътиқод мустаҳкамлиги йўлида».
10.10, 14.55, 16.10 ТВ анонс.
10.15 «Оҳу». Мультфильм.
10.45 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
11.15 «Олтин бешик».
11.40 ТВ-1 кинотеатри: «Самодаги пойғалар». Бадий фильм. 2-қисм.
13.15 ТВ клип.
13.25 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари кундалиги.
14.00 Телевизион миниатюралар театри.

14.35 «Маърифат». Телеальманах.
15.00 «Интерклуб».
15.40 «Ягона оилада».
16.15 «Лаура учун қадаҳ». Теленовелла.
16.45 «Қорақалпоқнома».
17.05 «Бу қадим йўлларда».
17.20 «Муъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
18.10 Болалар учун. «Фламинго».
18.35 «Рангин дунё».
18.55 «Пазандалик сирлари».
19.05 «Қишлоқ ҳаёти».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбекистон - Ватаним маним».
21.30 «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари кундалиги.
22.00 «Соғлом она - соғлом бола».

22.20 «Шанба оқшомида». Дам олиш дастури.
23.00 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.30 «Ахборот - дайжест».
23.50 ТВ альманах.
00.10-00.15 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

7.55 Курсатулар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Олтин қалит».
9.30 «Мультимоша».
9.45 Табот оламида.
10.05 Мусикий лаҳзалар.
10.15 «Эсмеральда».
Телесериал.
10.45 Аср қиёфаси.
11.05 «Ёшлар» телеканалда спорт: Ринг қироллари.
12.05 «Юдузлар чехраси». Телеўйин.
12.35 Ёшлар овози.
12.55 Кутилмаган меҳмон.
13.15 «Экспедиция».
Хужжатли сериал.
14.05 Бола тилидан.
14.35 «Ёшлар» телеканалда спорт: Теннис.
15.15 Жаҳон цирки Масси.
16.05 Хуқуқ ва бурч.

16.25 Кўҳна оҳанглар.
16.40 «Рамазян». Телесериал.
17.15 Ёшлар куйлайди.
17.30 Курсатулар дастури.
17.35 «Янги авлод» студияси: «Ҳамма нарсани билишни истайман».
18.00 Саломатлик сирлари.
18.20 Оқшом наволари.
18.35 Бизнес-академия.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.35 ТВ-анонс.
19.40 Каталог.
19.50 Давр-интервью.
20.05 Ўзбекистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов куйлайди.
20.25, 21.10, 22.35 Эълонлар
20.30 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Муруват». Бадий фильм. 1-қисм.
21.15 Ватан ҳақида қўшиқлар.
21.25 Футбол плюс.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.40 Тунги тароналар.
22.50 «Ёшлар» телеканали спорт: Нокаут.

23.15 «Ҳаёт баҳори». Бадий фильм.
00.45-00.50 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Курсатулар тартиби.
17.20 Мультчархпалак.
17.40 «Жаҳон географияси».
18.25, 19.00, 19.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.40 «Хусусийлаштириш: кадам-бакадам».
19.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.00 «Пойтахт шарҳи».
20.20 «ТВ плюс».
20.45 «Мисли гавҳар».
21.00 «Ташриф».
21.20 «Нима учун?»
21.50 Кинонигоҳ. «Муҳаббат» (Хиндистон)
23.45-23.50 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

9.30 Курсатулар тартиби.
9.35 «ТВ-Да мусика».

9.45 «Муъжизалар майдони».
10.45 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.

10.50 «CFI янгиликлари»
11.00 «Инглиз тили Сиз учун». Болалар учун курсатув.

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 «Принцесса Сиси», мультсериал
10.00 Фильм детям: «Тень», сказка
11.30 «Веселая семейка Тавист», сериал
12.00 Семейное кино: «Человек с бульвара Капуцинов», комедия
13.40 «Баффи», телесериал
14.30 Индийское кино: «Опасный», мелодрама
16.40 «Скрытой камерой», юмористическая программа
17.00 «Своя игра», телешоу
17.45 «Теле-хамкор»
18.10 Киновечер на 30-м: «Не будите спящего полицейского», боевик
19.50 «Ошикона», музыкальная программа
20.00 «Вовочка», сериал
20.30 «Теле-хамкор»
21.00 Час детектива на 30-м
21.45 Киновечер на 30-м: «Возвращение высокого блондина», комедия
23.30 Музыкальная программа - «Просто 15»
00.20 Программа передач

YAK SHANBA **28**

«Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».

8.35 «Камалат». Болалар учун кинодастур.
9.05 «Ғаройибот».
9.25 «Простоквашинолик учовлон». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20, 14.05 ТВ анонс.
11.25 Болалар учун. «Ҳазил, ҳажв, хангома».
11.45 Эркин кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати.
12.15 Сиртки телевизион олимпиада.
12.35 «Пазандалик сирлари».
12.45 «Муъжизалар майдончаси». Телевизион ўйин.
13.35 «Умид ниҳоллари»

спорт ўйинлари кундалиги.
14.10 «Кўҳна замин оҳанглари».
14.40 «Уй бекаси».
15.00 «Бу ажиб фасл». Телеальманах.
15.20 ТВ клип.
15.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати.
«Насаф» - «Трактор».
«Нефтчи» - «Андижон».
17.00 «Оҳ олтин». Телелотерея.
17.40 «Талабалик йилларим».
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.50 Куйла ёшлигим.
19.05 «Туртинчи ҳокимият».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саҳнат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Яшанбада Сиз билан бирга».
21.40 «Умид ниҳоллари»

спорт ўйинлари кундалиги.
22.10 «Келин-куёв». Телешоу (1 апрелдаги курсатув такрорланади)
23.20 «Кино оламида».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

«Ёшлар» телеканали

7.55 Курсатулар дастури.
8.00 «Давр тонги».
9.00 «Янги авлод» студияси: «Ҳамма нарсани билишни истайман».
9.25 «Мультимоша».
9.40 Футбол-плюс.
10.00 Давр-интервью.
10.15 «Заковат» интеллектуал ўйини.
11.05 «Ёшлар» телеканалда ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1. Марди майдон. 2. Аскар мактублари.
11.45 Очил дастурхон.
12.00 «Муруват». Бадий фильм. 1-қисм.
12.40 «Ниҳол» мукофотнинг соҳибаси Дилфуза Раҳимова куйлайди.
13.10 Спорт ҳафтаномаси.
13.25 «Экспедиция».
Хужжатли сериал.
14.15 Қишлоқдаги тенгдошим.

14.35 Интерфутбол.
16.15 «Рамазян». Телесериал.
16.50 Курсатулар дастури.
16.55 «Янги авлод» студияси: «Спорт майдончаси», «Келин танишайлик».
17.20 Яшанбада қиришгунча.
17.35 Олтин мерос.
17.40 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
18.30 «Қўшқулоқ».
18.45 Оқшом наволари.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» news.
19.20 ТВ-анонс.
19.25 Очун.
19.50 Синфдош.
20.10 Аёл қалб наволари.
20.30, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Муруват». Бадий фильм. 2-қисм.
21.20 Зинама-зина.
21.50 Олтин мерос.
22.00 «Давр ҳафта ичиди».
22.35 Тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалда премьераси: «Яраланган юрак». Бадий фильм.

00.25- 00.30 Хайрли тун!

«Тошкент» телеканали

17.15 Курсатулар тартиби.
17.20 «Эртақларнинг сехри олами».
19.00 «Спорт-тайм».
19.20 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.50, 20.30, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
20.05 «Саломатлик маскани».
20.20 «Телефакт».
20.45 «Мусикий лаҳзалар».
20.55 «Жаҳон географияси».
22.00 Кинонигоҳ. «Туй хангомалари».
23.30-23.35 «Хайрли тун, шахрим!»

«Халқаро» телеканал

9.00 Курсатулар тартиби.
9.05 «ТВ-Да мусика».

9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».

10.10 «Кайфият» дам олиш дастури.
11.10 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

30-й канал

09.00 Программа передач
09.05 «Теле-хамкор»
09.30 «Принцесса Сиси», мультсериал
10.00 Фильм детям: «Синяя птица», сказка
11.30 «Теле-хамкор»
12.00 Семейное кино: «Акселератка», комедия
13.40 «Баффи», телесериал
14.30 Дневной кинозал: «Шрек», мультфильм
16.10 Интересные встречи на 30-м - Сосо Лавлишвили
17.00 «Своя игра», телешоу
17.45 «Теле-хамкор»
18.10 Киновечер на 30-м: «Цепная реакция», триллер
19.50 «Ошикона», музыкальная программа
20.00 «Агентство», сериал
20.30 «Теле-хамкор»
21.00 Час детектива на 30-м
21.45 Воскресный киноветер на 30-м: «Человек в железной маске», исторический
00.40 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Кўлланма

**ДАРСЛИКЛАР
ТАНЛОВИ**

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги 2001 йилнинг август ойида замон талаблари даражасидаги янги дарсликларни яратиш ва нашр этиш юзасидан танлов эълон қилган эди.

Танловга мамлакатимиздаги саккиз нашриётдан 14 номдаги 25та дарслик ва ўқув кўлланмаси, шунингдек, ўқитувчилар учун методик кўлланмалар тақдим этилди.

Танловда 7-8-синфлар учун чет тиллари дарсликлари ва 9-синф учун 12 номдаги дарслик ғолиб деб топилди. Осиё тараққиёт банки лойиҳаси асосида ажратилган кредит маблағларига уларнинг ҳар биридан 385 минг нусхадан сотиб олинади ва мактаблар кутубхона-

ларига 2002-2003 ўқув йили бошлангунга қадар етказилади.
Хулқар СОДИҚОВА,
ЎЗА мухбири.

Янгилик

Мамлакатимиз табиий иқлим шароитида инсон организми учун ғоят зарур моддаларга бой хилма-хил мевалар етиштириш учун қулай имконият мавжуд. Боғбонларимиз кейинги йилларда уноби ва хурмони ҳам маҳаллий шароитда етиштиришга мослаштиради.

Бироқ кеч кузда пишиб етиладиган, намлиги юқори бундай меваларни қуёш нуридан фойдаланиб очиқ ҳавода қуритиш,

Мева қуритишнинг янги усули

истеъмол муддатини узайтириш зарур.

Фанлар академиясининг "Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Физикатехника институти олимлари ана шундай мақсадга хизмат қиладиган махсус меватилгич қурилма ва шу асосда тезкор гелиоқуритиш технологиясини яратди.

Институтнинг катта илмий ходими Мирзоалим Юсуфжоновнинг айтишича, янги қурилма во-

ситасида мева механик усулда тилинган, тез ва сифатли қуритилади. Муайян миқдордаги намликкача қуритилган бундай мевани узоқ муддат сақлаш мумкин. Ушбу янги технология қўл меҳнатини механизациялаш, қуёшли очиқ ҳавода шамоллатиб мева қуритиш муддатини 4-5 мартагача қисқартиш имконини беради.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири.

01 огоҳлантиради

**ҲАМИША
ХУШЎР
БЎЛАЙЛИК!**

Шу йилнинг ўтган биринчи чораги мобайнида вилоятимизда 451 та ёнгин содир бўлди. Шундан 314 таси фуқаролар хонадонидан рўй берди. Ёнгин оқибатида саккиз нафар фуқаро ҳалок бўлди, 23 фуқаро эса, тан жараҳати олди. Бундай фожиалар фуқароларимизнинг оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари оқибатида содир бўлмоқда.

Ёнгин асосан газ ва электр ускуналарининг носозлиги ва улардан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларининг бузилиши, ёлғиз қолдирилган болаларнинг гугурт ўйнаши натижасида юз берапти.

Жумладан, Зангиота туманидаги Ўртаовул кўрғони Дўстлик кўчасида истиқомат қилувчи Хабибуллиналар хонадонидан газ ускунасини нотўғри ишлатиш оқибатида ёнгин содир бўлди. Ёнгин фуқаро Ҳакимованинг ҳам уйига ўтиб, уй эгаларига катта миқдорда зарар етказди.

Бўстонлик тумани «Энбек» ширкат хўжалигида яшовчи Бобоқуловлар уйда ёш боланинг гугурт билан ўйнаши оқибатида молхона томи ёниб кетган. Қўйичирик туманидаги Улуғбек номли ширкат хўжалигида яшовчи Қариевлар уйда печка мўриси носозлигидан ёнгин чиқиб, жиддий зарар қўрилди. Чирчиқ шаҳар Пушкин кўчаси 1-уйда истиқомат қилувчи В.Беляеванинг хонадонидан сигарета қолдигидан уй жиҳозлари ёниб кетди.

Афсуски, бундай нохуш мисолларни кўлаб келтиришимиз мумкин. Олов тилсиз ёв эканлигини унутиб кўяётганимиз тўғриси юқоридаги каби кўнгилсизликлар содир бўляпти. Хулоса шуки, ўт балосидан омон қолиш учун ҳар доим хушёр ва эҳтиёткор бўлишимиз, хавфсизлик қоидаларига риоя қилишимиз лозим.

Рамзия СУЛАЙМОНОВА,
вилоят ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ноизири.

Омадингизни синаб кўринг!

Ҳа, ИШОНАВЕРИНГ,
ТЕСТ СИНОВИДАН ЎТГАН ИШТИРОКЧИ

Хорижга
йўл олиши мумкин,
БУ - МЎЪЖИЗАВИЙ ИМКОНИЯТ!

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги Жанубий Корея кичик ва ўрта бизнес федерацияси (KFSB) билан тузилган келишувга асосан ҳамда KFSBнинг қилган қарорига асосан стажер сифатида Жанубий Корея Республикасида касб-хунар ўрганиш дастурини қатнашишни хоҳловчилар учун танлов эълон қилади.
Бўйи: эркеклар - 160-190 см.гача, аёллар - 150-185 см.гача;
кўриш қобилияти 0.7 ва ундан юқори (дальтониклардан ташқари);
Ёши: 25-35 ёш;
Маълумоти: тўлиқмас ўрта, ўрта ва ўрта махсус;

ариза бериш муддати 20.04.2002 - 30.04.2002 йил;
корейс тили бўйича тест синови.

Яқуний натижа усули: KFSB номзодларни компьютерда лоторея тизими бўйича танлайди.

Танланган номзод Жанубий Кореяда ўрта ва кичик корхонада малака ошириш ҳуқуқини олади.

Муддати: 1 йил (номзод малака ошириш тестини бажарса ва ишга жойлашиш статусини олса, шартнома келишилган муддатга чўзилиши мумкин).

Малака оширишда бериладиган асосий иш ҳақи:

ойига 226 соат учун Жанубий Корея валютасида 474600.

Қўшимча иш ва унга ҳақ тўлаш:

ҳафтасига 12 соатдан келиб чиқиб асосий иш ҳақининг 150% миқдориди.

Уч ой синови муддати учун Жанубий Кореяга кириш кунидан бошлаб асосий иш ҳақининг 80% миқдориди тўланади.

Уч маҳал бепул овқат ва турар жой билан таъминланади.

Дам олиш кунлари: якшанба ва расмий байрамлар.

Тиббий суғурта: компания ва номзод суғуртани тенг яримдан тўлайдилар; ишлаб чиқариш жараёнидаги жараҳат, боғжона тўловлари, бахтсиз ҳодиса суғуртаси ҳамда бажарилган шартномага кўра қайтиш авиачиптаси учун ҳақни компания тўлайди.

Танловни ўтказиш ва юбориш харажатлари яқуний танловдан кейин Ўзбекистон Республикасининг энг кам иш ҳақининг 183 баробари миқдориди номзод томонидан тўланади.

Рўйхатга туриш ва зарур ҳужжатлар учун Тошкент вилоят Меҳнат ва аҳолини иқтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидаги Агентлик вакилига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 3. Тел: 50-99-35.

ЭСЛАТМА: касал ва судланган, Жанубий Корея саноатида малака ошириш дастури бўйича қатнашган, Жанубий Корея иммиграцияни бошқариш қонунига зид бўлган номзодлар танловда иштирок этмайди.

Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчилар ташиш автосаройи

очиқ турдаги акциядорлик жамияти акционерларнинг навбатдаги умумий мажлиси
2002 йил 21 май соат 9.00да автосарой мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади

КУН ТАРТИБИ

1. Автосаройнинг 2001 йил хўжалик ва молиявий фаолияти яқунлари ва 2002 йилги вазифалар. Бошқарув раиси Ш. С. Сайдалиев ҳисоботи.
2. Тафтиш комиссияси раиси У. К. Мирзааҳмедов ҳисоботи.
3. Акционер жамиятининг йиллик ҳисоботини, баланс, тафтиш комиссияси ва Аудитор далолатномасини тасдиқлаш. М. Д. Зокиров ҳисоботи.
4. Соф фойдани тақсимлаш, дивиденд миқдори ва уни тўлаш муддати. Л. М. Раҳимова ҳисоботи.
5. 2002 йилги бизнес-режани тасдиқлаш. Л. Н. Борисова ҳисоботи.
6. 2002 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш. М. Д. Зокиров.
7. Кузатув кенгаши аъзолари тартибини аниқлаш. Л. Раҳимова.
8. Автосарой ва унинг раиси фаолиятини баҳолаш. Кузатув кенгаши раиси В. М. Грингауз ҳисоботи.



«Тошвилавтопарк» АЖнинг 2001 йил БАЛАНСИ

2002 йил 1 январь ҳолати бўйича

	АКТИВ	ПАССИВ
1. Асосий маблағлар	24159,7	
2. Номоддий активлар	43450,5	
3. Низом маблағи		88190,0
4. Қўшимча маблағ		28514,2
5. Эҳтиёт маблағи		1374,5
6. Ишлаб чиқариш захиралари	17367,3	
7. Пул маблағлари	2244,8	
8. Дебиторлар	60421,7	
9. Тақсимланмаган фойда		3678,5
10. Мажбуриятлар		25886,8
Баланс	147644,0	147644,0

Балансининг тўғрилиги «Ўзавтоаудит» АКЦ масъулияти чекланган жамияти томонидан тасдиқланган.

Тошкент вилояти автосаройи ОТАЖ кузатув кенгаши.

Xalq va dunyo

Mamlakatlar
Odamlar
Voqealar
G'aroyibotlar

Чемпионат арафасидаги шов-шувлар

ЛЕО КИРХ САЛТАНАТИ ЖАР ЁҚАСИДА

Бир-икки ой муқаддам оммавий ахборот воситаларида футбол бўйича Япония ва Жанубий Кореяда бўладиган жаҳон чемпионати аксарият давлатларда телевидение орқали намойиш қилинмайди қабилдаги хабар тарқалган эди. Бу гап футбол ишқибозларини ларзага солгани табиий.

Мусобақаларни эфирда ёритиш ҳуқуқини сотиб олган германиялик ишбилармон Лео Кирх ҳар бир мамлакат аҳолиси сонига қараб, ўз компаниясига маълум миқдорда пул тўлаши лозим, деган шарт қўйган.

Медиа-магнатнинг нияти амалга ошмайдиган кўринади. Гап шундаки, унга тегишли йирик компаниялардан бири хонавайрон бўлиш арафасида турибди. Ҳисоб-китобларга қараганда, Лео Кирхга қарашли "Кирх медиа" компаниясининг қарзи 5 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган.

Дунёдаги энг йирик медиа-магнатлар Рупер Мёрдок, Силвио Берлускони қаторида турувчи Л. Кирхнинг оммавий ахборот воситалари соҳасидаги фаолияти 1956 йилдан бошланган. У ўз рафиқасининг оиласидан 25 минг марка қарз кўтариб, машҳур кинорежиссёр Федерико Феллини филмларидан бирини намойиш этиш ҳуқуқини сотиб олган. Ҳозир у салкам 15 мингта кинофилмни намойиш этиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, Л. Кирх "Формула 1" мусобақалари ҳамда жаҳон чемпионатларини эфирга узатиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритган.

Мутахассислар Л. Кирхнинг муваффақиятсизлигига компания раҳбарияти юритган нотўғри молиявий сиёсат сабаб бўлган, деган фикрни билдирмоқда. Ҳозир у Германиядаги умуммиллий телеканаллар билан рақобатга дош беролмай қолди ва кунига икки миллиондан зарар кўра

бошлади. Л. Кирх секин-аста қарзга ботди.

Шундай қилиб, медиа-магнат энди футбол ишқибозларининг ҳам қарғишига учради, шекилли.

**Бобур СОБИРОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.**

ЖАҲОНГАШТА САЙЁХ ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМДИ

"Дунё саёхлари сарбонсиз қолди"... 19 апрель куни Ғарб матбуоти машҳур норвегиялик сайёх Тур Хейердалнинг вафоти тўғрисида ана шундай хабар тарқатди. Т. Хейердалнинг ўлими дунёда кўпчиликни қайғуга солди.

Бутун умри мобайнида саёхат қилиб, ҳамиша табиат қўйнида яшаган Т. Хейердал анча бурун бедаво дардга чалинган эди. Энг малакали шифокорлар уни ўлимдан сақлаб қолишга ҳаракат қилди. 31 март куни саёх шифохонага жойлаштирилди. Аммо шифокорлар энди уринишлар бефойда эканини айтгач, Хейердал Лигурия денгизи бўйида жойлашган Колла-Микери қишлоғига келди ва 19 апрель куни 88 ёшида вафот этди.

Хабарларга қараганда, Норвегия ҳукумати машҳур саёхнинг дафн маросимини давлат ҳисобидан ўтказишга қарор қилган.

Шарҳловчи минбари

АФҒОНИСТОН:

ЗОҲИРШОҲ ВАТАНИГА ҚАЙТДИ

Афғонистоннинг собиқ подшоҳи Муҳаммад Зоҳиршоҳ ўттиз йиллик муҳожирликдан кейин ватанига қайтди.

Зоҳиршоҳни оила аъзолари билан бирга Кобулга олиб келишни Италия ҳарбий-ҳаво кучлари ўз зиммасига олди. 87 ёшли подшоҳга Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳомид Карзай ва бошқа расмий кишилардан ташқари, италиялик тўққиз нафар полициячи, иккита шифокор ҳамроҳлик қилди. У ватанга подшоҳ эмас, оддий фуқаро сифатида қайтиб келди.

Зоҳиршоҳ Афғонистон тахтида 40 йил ўтирган. 1973 йилнинг июнь ойида амалга оширилган давлат тўнтарилишидан кейин у хорижга кетишга мажбур бўлган эди. Ушбу воқеадан кейин бир ой ўтиб Афғонистон республика деб эълон қилинди.

Собиқ подшоҳни Афғонистонда катта сиёсий воқеалар кутиб турибди. Ўтган ду-

шанба куни Лойя жирға учун сайлов бошланди. Мамлакат оқсоқоллари ва сиёсий арбоблари иштирокидаги миллий ассамблея – Лойя жирға 10-16 июнь кунлари йиғилиш ўтказиши кутилмоқда. Мазкур умумафгон анжуманини чақиритиш борасида ўтган йили Германиянинг Бонн шаҳрида келишиб олинган. Режага кўра, курултой ўтиш даври ҳукуматини сайлайди. 18 ойдан кейин эса демократик сайлов бўлиб ўтиши ҳамда мамлакатнинг янги конституцияси ишлаб чиқиши керак.

Шуни таъкидлаш жоизки, Афғонистон сиёсий ҳаётидаги ўзгаришлар БМТ кузатуви остида амалга оширилмоқда. Ташкилот вакили Андре Фанжнинг таъкидлашича, Лойя жирғага делегат сайлаш жараёни икки босқичда ўтказилади. Тадбир мамлакатнинг шимолий вилояти – Жузжондан бошланади. Умуман, курултойга жами бир ярим минг киши чақирилиши керак. Уларнинг 160 нафари аёллар бўлади. Умумафгон курултойининг яна бир аҳамиятли томони шундаки, унга собиқ подшоҳ раислик қилади.

Хуллас, собиқ подшоҳнинг қайтиши билан Афғонистонда мустақкам тинчлик ўрнатиш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди. Унинг мамлакатдаги обрўи баланд. Шу боис барча кузатувчилар Зоҳиршоҳнинг қайтишини Афғонистонда барқарорликни тиклаш, афгон халқининг миллий тотувлигини мустақкамлашда муҳим аҳамиятга молик воқеа сифатида баҳоламоқда.

**Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА мухбири.**



Флорида.

КЎЗ ЁШИ ҲАМ ҲАР ХИЛ БЎЛАДИ

Ўртача ҳисоблаганда аёллар эркакларга нисбатан узоқ умр кўрадилар. Нега шундай? Уни кўп сабаблар билан изоҳлашди, одатда. АҚШнинг Миннесот штати Сант-Пол шаҳридаги Рам-



селвск тиббиёт марказидаги доктор Уилям Фрей фикрича, унинг асосий сабаби аёлларнинг кўпроқ йиғлашида экан. Фрей кўз ёшини кимёвий таҳлил қилиб шуни аниқладики, пиёз тўғрашда ёки тутун босган хонада кўздан чиқадиган намлик аччиғланиш, хафа бўлиш, асабийлашиш каби ҳолатларида чиқадиган ёшдан фарқ қилади. Кейинги ҳолатларда шундай захарли модда бўладики, у агар ёш оқизилмаса танада тўпланиб қолади ва нохуш оқибатларга олиб келади. Шунинг учун ҳам доктор йиғлагингиз келса, саломатлик учун йиғланг, деб тавсия қилади.

УЙ ЖОНИВОРЛАРИ РАНГ ТАНЛАЙДИ

Жониворлар ўзлари атрофида юрадиган, айниқса, уларни парвариш қиладиган кишилар қандай кийимда бўлишларига бефарқ қарамайди. Масалан, товуклар ва жўжалар оловранг рангни «ёқтиради», аксинча, кишилар қора ёки жигарранг кийимда бўлсалар безовталанади. Сигирларга эса сут соғувчилар тўқ ҳаворанг кийимда бўлсалар маъкул бўлади.



УЗОҚ КУТИЛГАН НИКОҲ

Улар қонуний никоҳдан ўтишганида (умрларида биринчи марта) куёвтўра 83, келинпошша 79 ёшда эдилар. Бундай никоҳ маросими Литвадаги Унмерг шаҳрида 1986 йилда бўлиб ўтди. Лексин келин-куёв Павидас Пятрас ва Прудоките Ефросиния Федоровнанинг орзиқиб кутган бахтли ҳаётлари қисқа бўлди. Эр-хотин ўша йилиёқ олдинма-кетин оламдан кўз юмдилар.



(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

БИР КУНЛИК МАТРИАРХАТ

Ҳаётда эркак ва аёлнинг ўрни ҳам, вазифаси ҳам бошқа. Туркиянинг Козмурена қишлоғи аҳолиси бу ҳақда алоҳида фикрга эга. Мана, 500 йилдирки, ҳар йили бир марта — июль ойи охирида аёл ва эркак бу ерда ўз иш ўрнини алмаштиради. Шу куни аёллар қавахонада дугоналари билан гурунглашадилар, нарда ўйнайдилар. Эркаклар эса уйда қолиб, болаларга қарайдилар, уй тозалаб, кир ювадилар, кечки овқат тайёрлайдилар. Кун ботгач, ҳамма марказий майдонга йиғилади. Дастурхон атрофига йиғилиб, зиёфат қилинади. Эртасига эса, ҳаммаси аслига қайтади.



Турфа олам

Турфа олам

МИЛЛИЙ ДАСТУР АСОСИДА

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида узлуксиз таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича узвийликни таъминловчи ўқув дастурлари асосида янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратишнинг долзарб масалаларига бағишланган ўқув-методик семинар бўлиб ўтди.

Таъкидланганидек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда яратилажак дарсликлар эскича қарашлардан холи бўлишига асосий эътибор қаратилиши лозим. Давлат таъ-

лим стандартларига мос дарсликлар яратишда, аввало, мамлакатимизда илм-фан соҳасида қўлга киритилаётган ютуқларга, аниқ факт ва хулосалар асосида иш-ботланган тадқиқотларга, шунингдек, тараққий этган мамлакатлар

таълим тизимидаги ижобий жиҳатларга таяниб иш юритиш яхши самара беради.


Анжуманда Ўзбекистон тарихи фанидан яратиладиган янги авлод дарслик ва ўқув қўлланмалари борасидаги талаб ва тавсиялар, миллий истиқлол ғоясини ижтимоий фанлар дастурлари ва ўқув адабиётларига сингдиришнинг долзарб муаммоларига бағишланган маърузалар тингланди.

Баҳор Хидирова,
ЎЗА мухбири

Bolalik bog'i

ТОПШМОҚ

Bir xonada ellik pahlavon.
Boshin chertsang birin nogahon.
Ajdarhoga aylanib shu on,
Yuguradi yutib har tomon.
Undan qolmas hatto uy, ayvon.
Yolg'iz qolib o'ynamang! O'git!
Uning nomi, o'rtoq, bu ...



(11888)

Ибратнома

«О, бу қози – жуда бообрў, бадавлат одам! У минг-минглаб пулини, яна бир олам қиммат-баҳо молларини менга ишониб ташлаб кетмоқчи, – деб ўйлабди бой. – Мен уларни оламанда, кейин, ҳеч нима олмаганман, деб тонаман. Қарабсизки, аканг қарағай талай-талай бойликка осонгина эга бўлиб турибди!»

Бой шундай хаёлларга бориб, қозининг таклифини очқўзлик билан кўзлари йилтиллаб қабул қилибди. Орадан уч кун ўтибди. Камбағал йигит қозининг хузурига келибди.

– Сен ҳозир бой дўстингни қизга бориб, пулингни яна сўраб кўр. Агар бу сафар ҳам бермаса, устингдан қозига арз қилман, деб айт. Шу гапингни эшитган захоти у ҳамма пулингни қайтариб беради, – дебди қози.

Камбағал йигит бойнинг уйига бориб, худди қози айтганидек иш тутти. Шунда бой: «агар у бориб қозига арз қилса, унда менинг қанақа одамлигим аён бўлади-ю, у ўз бойликларини менга ташлаб кетишдан воз кечади», деб кўнглидан ўтказибди ва ҳеч гап қайтармай, дарров камбағалнинг пулини олиб чиқиб берган экан. Ана шунақа гаплар...

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
тайёрлади.

Бекажон

ПИШИРИҚЛАР ТАЙЁРЛАЙ ОЛАСИЗМИ?

МАРМЕЛАД

Бу ширинликни тайёрлаш учун 50 г желатин, 0,5 кг шакар, 1 стакан лимонад ёки компот, 0,5 чой қошиқ лимон кислотаси, 200 г мураббо қиёми керак бўлади.



Желатин 6 соат давомида компот ёки лимонадга солиб, бўктириб қўйилади. Сўнгра эритмага лимон кислотаси, мураббо қиёми солиниб, 15-20 дақиқа пиширилади. Қайнаш давомида кўпиги олиб турилади. Тайёр эритма лаганга ёки махсус қолипчаларга солинади. Қотганидан кейин, ҳўл пичок билан бўлакчаларга бўлиниб, дастурхонга тортилади.

«ЧЎКТИРМА»

200 г маргарин, 2 дона тухум, 1 стакан сут, 50 г хамиртуруш, 4 стакан ундан юмшоқ хамир қорилиб, сочққа ўралади ва совуқ сувли идишга солиб қўйилади. Хамир сув бетига кўтарилиб чиққанидан кейин жўваланиб, бўлакчаларга кесилади, устига шакар сегиб духовкада пиширилади.

«НАВРЎЗ»

Идишга 2 дона тухум сариғи ёки 1 дона тухум, 1 стакан шакар, 250г маргарин ёки сариёғ, 250г сметана, 1 чой қошиқ истеъмол содаси, ванилин солиб аралаштирилади. Унга 3/4 стакан крахмал ҳамда 2 стакан ун қўшиб хамир қорилиб совуттигча 30 дақиқага қўйилади. Тайёр бўлган хамир 1 см. қалинликда жўваланиб, махсус қолипчалар ёрдамида турли шакллarda кесилади. Сўнгра патнисга териб, паст оловда пиширилади.

Наргиза ҚУРБОНОВА,
қандолатчи.

Акмал Икромов тумани ҳокимининг 2002 йил 31 январдаги 75-сон Қарори билан Марачхон Абдураимова Бекраева номига берилган 0117118 рақамли патент йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота туманидаги 33-мактаб томонидан Бердиев Камолдин Жўраевичга берилган Д № 396039 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Зангиота туманидаги 33-мактаб томонидан 2001 йилда Мухамедов Жавлон Кахрамонович номига берилган О'Р-А 1135424 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



ИЛОЖИ ТОДИЛДИ...

Бир мамлакатда икки қалин дўст яшар экан. Уларнинг бири – бадавлат ва обрў-эътиборли, иккинчиси эса – камбағал экан. Камбағал қора кунга пул гамлаш мақсадида кўпинча оч, юпун кун кечирар экан. У топган пулини кўп қисмини асраб қўйиш учун бой дўстига бериб юраркан. «Дўстим бой одам-ку, у менинг шу озгина топган пулимга зор эмас, унга ишонса бўлади», деб ўйларкан камбағал.

Бир кун камбағал жуда мушкул аҳволга тушиб қолибди-ю, бой дўсти олдига бориб, ўзи бериб қўйган пулдан бир қисмини қайтариб беришни илтимос қилибди. Бой бунга жавобан, «Мен сендан ҳеч қачон ҳеч қанақа пул олган эмасман. Хай-

ронман, нималар ҳақида вайсаясан ўзи?», дебди. Дили вайрон бўлган камбағал дўсти олдига бир эмас, бир неча марта, пулимини қайтариб бер, деб ялиниб келибди, лекин, бой пинагини ҳам бузмабди. Ҳеч иложини қилолмагач, тушкунликка тушган камбағал қозига арз қилибди. Қози унинг арзини диққат билан эшитиб бўлиб:

– Сен дўстингга пул берганингда ёнингда биронта гувоҳ бормиди? – деб сўрабди.

– Йўқ, иккалаимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди, – деб жавоб қилибди камбағал эзилиб.

– Ундай бўлса, дўстингни ўзим сўроқ қилиб кўраман, сен уч кундан кейин хабар ол, – дебди ҳакам.

Камбағал йигитни жўнатиб, донишманд қози кўп мушоҳада қилиб ўйлабди. Шундан кейин ўз хузурига бойни чақиртирибди.

– Сени хузурига чақирганимдан мақсад, – дебди у бойга, – яқинда мен хизмат юзасидан бошқа ерга жўнаб кетишим керак. Мен кўп одамлардан сўраб, суриштириб билсам, шаҳримизда энг диёнатли, энг ишончли одам сен экансан. Ҳамма шундай деяпти. Гап бундай, азизим, ҳозирча мен молдавлатим, ақчаларимни бир йўла ўзим билан олиб кета олмаيمان. Нарсаларим ва пулларимнинг бир қисмини вақтинча сенга ташлаб кетсам – шунга нима дейсан? Кейинроқ сенга қолдирадиган ўша молу давлатимни одам юбориб олдириб кетардим...

СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

"УМИД НИҲОЛЛАРИ" ДАН – ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГАЧА

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳаётга изчил тадбиқ этилмоқда.

Бу дастур талабларидан бири ёшлар ўртасида спортни кенг оммалаштиришдан иборатдир. Мазкур ҳужжатга биноан 2000 йилдан амалга оширишга киришилган уч босқичли оммавий спорт тизими ҳам ана шундай мақсадга хизмат қилади. Хусусан, умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари" спорт ўйинлари ҳар йили ўтказилса, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари эса ҳар икки йилда "Баркамол авлод" ўйинларига йиғилади. Олий ўқув юртлири талабалари "Универсиада" сига ҳам ҳар икки йилда бир марта старт берилади.

Бу тизим 2000 йили Наманганда илк марта "Универсиада" мусоба-

қаларини ўтказиш билан амалиётда қўлланила бошланди. Унинг республика босқичида икки мингдан зиёд талаба спортчи иштирок этди. 2001 йилнинг 30 апрель – 5 май кунлари эса Жиззахда "Баркамол авлод" ўйинлари ҳам муваффақият билан ўтди. Энди навбат "Умид ниҳоллари"га етди.

Гап шундаки, биринчи синф ўқувчиларидан олий ўқув юртлири талабаларигача бўлган барча ёшлар қатламларини қамраб олган бундай уч босқичли спорт тизими ҳали жаҳоннинг ҳеч қайси мамлакатида йўқ. Бу тизимни ривожлантириш орқали Ўзбекистоннинг барча бурчакларида жисмоний тарбия ва спортга эътиборни янада ошириш, ёшларга спорт билан шуғулланиши учун замона-

вий талабларга мос шароит яратишга эришишдир. Амалда шундай бўлапти ҳам. Масалан, "Умид ниҳоллари"нинг I, II, III босқич спорт мусобақаларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш жараёнида 347 та спорт зали ҳамда 566 та спорт майдони қайта таъмирланди.

Жорий йилнинг 24-30 апрель кунлари Фарғонада ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг финал қисми бўлиб ўтади. Шу кунгача мактаб, туман (шаҳар), вилоят босқичлари голиблари аниқланиб, яқунловчи мусобақаларга ҳозирлик кўрилди.

"Умид ниҳоллари" уч босқичли оммавий спорт тизимининг дастлабки ва асосий бўғини ҳисобланади. Бу гал унинг саралаш ўйинларида мамлакатимиздаги умумий ўрта таълим мактабларида тахсил олаётган 6

миллион 14 минг ўқувчидан 5 миллион 300 минг нафари қатнашгани қайд этилди.

Энди яқунловчи мусобақаларда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан жами 1918 спортчи, 16 нафардан мураббий ва ҳакам жами 2366 киши иштирок этади. Спортчилар баскетбол, миллий кураш, белбоғли кураш, волейбол, енгил атлетика, теннис, стол теннис, шахмат, футбол, қўл тўпи ва сузиш бўйича беллашади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, уч босқичли узлуксиз спорт тизимининг афзаллик томонларидан яна бири - у халқаро спорт



майдонларида Ўзбекистон нуфузини оширишга хизмат қиладиган истеъдодли ўғил-қизларни кашф этишда муҳим омил бўлади. Шунинг учун ҳам бундай мусобақаларнинг, Олимпиада ўйинларида бўлгани каби, машғала ёкиш билан бошланишида ўзига хос ҳикмат бор.

Зоҳир
ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА
шаҳрловчиси.

ТОШКЕНТ HAQIQATI

Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-40-48, 136-57-27.

Манзилими:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат
матбуот қўмитасида 8 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
тахририяти компьютер
мержасида терилди ва
соҳибланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда да-
дилларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.